

Муаллимлар
сулоласи
2



Товламачилар
оиласи
3



Шафтоли —
шифоли
7

Саломатлик
дорихонада
сотилмайди!
8



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



ЭЪТИРОФ

«Ўзбек аёлларидан ўрганишимиз керак экан»

дейишди европалик
ишбилармон хонимлар

Яқинда Европа ишбилармон аёллари жамоат бир-лашмаси (EWMD) аъзоларининг бир гуруҳи республика тадбиркор ва ишбилармон аёллари жамоат бир-лашмаси ҳамкорлиги доирасида Ўзбекистонга ташриф буюришди. Сафар давомида улар Самарқанд шаҳрида ҳам бўлиб, икки кун ичида бу ердаги тарихий обидалар, ишлаб чиқариш корхоналари билан танишишди.

Мазкур жамоат бирлашмаси Германияда жойлашган бўлиб, 18 та Европа ҳамда АҚШ, Хитой каби давлатлардан 800 га яқин аъзолари мавжуд. Ушбу ташкилотнинг асосий мақсади аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бу борада семинар-тренинглар ўтказиш, хотин-қизларнинг иш билан бандлигини кўллаб-қувватлашдан иборатдир.

— Ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, бу ерда тадбиркор аёллар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш эди, — дейди Европа ишбилармон аёллари жамоат бирлашмаси раҳбари Клаудиа Шмидт. — 2008 йилда ҳам юртингизга келгандим. Шу қисқа муддат ичида диёрингиз бу даражада ўзгача чирой касб этганидан, тўғриси, ҳайратда қолдим. Айниқса, тарихийлик ва замонавийлик уйғунлашган Самарқанд шаҳридаги ўзгаришлар гуруҳимиз аъзоларига жуда манзур бўлмокда. Бу ердаги тадбиркор аёллар билан учрашувимиз давомида шу нарсага амин бўлдимки, бизнинг улардан ўрганадиган жиҳатларимиз талайгина экан. Айниқса, каштачилик, гиламчилик каби соҳалар бўйича касаначилик асосидаги меҳнат бизга жуда манзур бўлди. Аёллар уй-рўзгоридан ажралмаган ҳолда қўл меҳнати билан турли мўъжизалар яратётгани жуда ҳайратланарли.

Кўхна шаҳардаги тарихий обидаларни томоша қилган аёллар Бухоро-Самарқанд ипак гилами кўшма корхонасига ҳам ташриф буюриб, бу ерда хизмат қилаётган хотин-қизлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Ўзбек аёлларининг ҳам рўзгорини, ҳам ишини йўлга қўйиб олганига ҳавас қилдик, — дейди гуруҳ аъзоси, EWMD менежери Бригитт Спайдел хоним. — Қўл меҳнати асосида шундай чиройли ипак гиламлар тўқилаётганини кўриб ҳайратландик. Ўлкаларингиз бизлар эшитган ва ўқиганимиздан, тасаввур қилганимиздан ҳам анча гўзалроқ экан.

Гулрух МЎМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Самарқанд вилояти.

УШБУ СОНДА:

- 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими — кўпми, камми? 2
- Маслаҳатчилик мартаба эмас 3
- Сандалнинг уч маъноси: танча, дарахт, ковуш 4
- Меросдан воз кечишга ҳақлисиз 5
- Уйи куйган Бекажоннинг бахти 7
- Гутургдан қурилган қасрлар 7
- Электрон рақамли имзо қоғозбозликдан халос этадими? 8
- Эътиборли келин — эътирофли келин 8

Фарҳод
АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда
хизмат
кўрсатган
артист:



— *Албатта, машхуриликнинг ҳам ўзига яраша юки ва машаққати бор. Муҳлис-лар таниганда ҳам, қойилмақом қилиб ўйнаган ролларинг, ҳатто ўзингни кўрмасдан туриб овозингни эшитибоқ эласа, билсагина, ўшанда обрў қозонганинг сезилди. Бўлмаса, ҳозир ким кўп, машху-рлар кўп. Улар орасида кўринмай кетиш ҳеч гапмас. Аслида, машхурилик касалига чалинишдан ёмони йўқ. Ана шундан Худонинг ўзи асрасин.*

“Чақалоқ туғилса, бахт туғилади”

— Оила мустаҳкамлиги аввало, фарзандларимиз соғлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир, — дейди Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхона мудир Юлдуз Хусанбоева. — Шунинг учун Юртбоши-



мизнинг “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги қарорларини ҳаётга кенг татбиқ этиш учун туман миқёсида мунтазам равишда “Саломатлик ҳафталиклари” ўтказилмоқда. Жумладан, эрта туғруқнинг олдини олиш, фарзандлар

ўртасидаги оралиқни сақлашга оид долзарб мавзуларда суҳбатлар уюштирилмоқда. Шунингдек, бевоҳида Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Соғлом она — соғлом бола” гоёси асосидаги мақсадли вазифаларни амалга ошириш учун ҳар бир ҳудудга биттадан акушер-гинеколог бириктирилган. Мутахассис шифокорларимиздан Мухтабар Яхёева, Муҳайё Рўзиевалар ўз тажрибаларига суянган ҳолда фаолият юритишгапти. 71 ўринга мўлжалланган туғруқхонамизда ҳамма шароитлар яратилган. Ҳомиладор аёлларимиз ҳамкор туғруқ усулида фарзандли бўлишмоқда.

Юлдузхон опа билан кечаётган гурунгимизни ҳамширанинг айтган хушхабар тўхтади: “Сизни сўрашяпти, янги чақалоқ дунёга келди!” Опа ҳам шу

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида кейинги йилларда нафақат деҳқончилик, зироатчилик ёки тадбиркорлик соҳасида, балки тиббиёт, таълим жабҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилмоқда. Сал кам 180 мингга яқин аҳоли яшаётган бу ҳудудда исталган тармоқда эркаклар билан баббаравар меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ўрни салмоқлидир.

ИСТИҚДОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

САВОБЛИ ИШЛАР ХОСИЯТИ

ондаёқ шошилиб чиқиб кетди ва орадан кўп вақт ўтмай хўрсанд ҳолда қайтиб келди. “Худога минг қатла шукр, солпа-соғ туғилибди! Онаси ҳам анча те-тик. Биласизми, ҳар гал туғруқхонамизда чақалоқ туғилса, шунақа суяниб кетаманки, бу гўёки янги бир бахт дунёга кел-

фарқ қилади, — дейди мудира Азиза Аҳмедова. — Ҳозирги кунда бу ерда 115 нафар тарбияланувчиларимизга сабоқ бераймиз. Биз асосан “Болажон” давлат дастури асосида иш олиб борамиз. Баъзан ота-оналар кўмағига ҳам суянамиз. Чунки кўриб турганингиздек, фарзандларининг соғломлиги ҳамда тарбияси яхшиланишида уларнинг ҳам иштироки зарур бўлади. Бо-

ғолиб деб топилди. Болаларнинг юз-кўзларидаги қувонч ва табассумни ифодалашга сўз топилмайди. Гўзаллик ва нафосат, саранжом ва саришталик бобида ҳам бу таълим-тарбия маскани намунали эканлигига гувоҳ бўлдик.

Маслаҳатчилик мартабами?

Бу саволга суҳбатдошимиз, тумандаги Бойовул маҳалласи маслаҳатчиси Феруза Пўлатова шундай жавоб берди:

— Ўз номи билан маслаҳатчи бўлганидан кейин уни мартаба дейиш сал ўнғайсизроқми дейман. Нега десангиз, бу вазифа ҳам аслида жамоатчиликка суянилган ҳолда амалга оширилади. Хали ўз тажрибамда кўрган йўқки, бирор-бир маслаҳатчи ўз билганича иш кўрганини. Эл билан, улус билан ҳамжиҳат



ганидан нишона” деб шивирлаб кўйди она.

Ўз касбини севиб, ардоқлаган, одамлар саломатлиги йўлида фидойи меҳнатини аямаётган шифокор учун бундан ортиқ бахт бормикан?

Энг кўркам муассаса

...Тумандаги 4-сонли махсус мактабгача таълим муассасасига кириб борганимизда “Энг чиройли гуруҳ” мусобақаси бўлаётган экан. Бир-биридан безатилиши ва кўркамлиги билан фаркланадиган хоналарга кириб,



гўзаллик чаманига тушиб қолгандек хис қиласиз ўзингизни. Мурғак қўлчалари билан туваклардаги турфа хил гулларга авайлабгина сув қуяётган болажонларни кузатиб... кўнгли ёришади кишининг. Негаки, ана шу кичкинтойлар эртага она табииатнинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлиб етишмоғига шубҳа қилмайсиз.

— Муассасамиз бошқа масканлардан ўзининг йўналиши ва тарбиявий услублари билан



ча, бу муассаса ташкил этилганидан бери 27 нафар тарбияланувчи соғломлаштирилганлиги боис мактабларда ўқишаётган экан. Бу эса малакали мутахассисларнинг айтишларича, юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Бир зум ўғил-қизларнинг ўзаро мусобақасини кузатами ва юрагимизга ҳаяжон ва ҳайрат кўчди. Ўзаро беллашувда Карима Ҳасанова ва Тўхта Турсунқулова бошчилигидаги гуруҳлар



ва ҳамкорликда ишласангизгина эргашиди, ишонди одамлар. Аксинча, ишончини қозонолмасангиз, шу кунгиз юз ўгиради. Ана шундан худонинг ўзи асрасин!..

Асли касби журналист бўлган Феруза опа дастлаб мактабда ишлади. Маҳалладошлари унинг меҳрибончилиги, ҳамма билан тил топилиб кетишини инobatта олиб икки марта кетма-кет Бойовул маҳалласига

маслаҳатчиликка сайлашди. Эл орасида обрў-эътибор топган жонқуяр аёл маҳалладаги барча ёш уш қарининг бошини бириктира олар, шу ҳудуддаги тўй-маъракаларда ҳам ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймади. Ҳатто бошқа ердан шу маҳаллага келин сўраб келган совчиларни ҳам уларнинг ота-оналар қаторида кутиб олади.

Энг эътиборли жиҳати, бойовулликлар Феруза Пўлатовани ўз оиласининг ҳақиқий аъзоси сифатида қабул қилишгани боис, ҳар қандай масалада ундан ёрдам сўрашади. Опанинг ташаббуси билан ҳар бир хонадонда фарзанд туғилса, яхши ният билан бир жуфт мевали даратхт экиш одатга айланган...

— “Билмадим, мен маҳалламиз бир кунлик ҳаётимни ҳам тасаввур қилолмайман. Балки шунинг учун халқимиз орасида “Маҳаллам — ота-онам менинг” деган ибора оммалашаётгандир. Ҳар ким ўз оиласида, маҳалла-қўйида тинч-тотувлик, аҳилликни таъминласа, ана шунинг ўзи ҳам катта бойлик, — дейди Феруза Пўлатова.

Сўнги сўз ўрнида:

Ўрта Чирчиқ туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан машғул бўлган хотин-қизлар орасида Матлуба Эшназарованинг ҳам ўзига хос ўрни бор десак муболага бўлмас. Очиғи, бу куйинчак аёл “Хунарманд” уюшмасининг туман бўлимига раис этиб сайлангандан бери қатор хайрли ишларни амалга оширишга улгурди. Айни пайтда қирқ нафардан ортиқ хунармандни бирлаштирган бўлимда ишлар кизгин. Туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда фаол иштирок этаётган Ўрта чирчиқлик хунармандлар қисқагина вақт ичида совринли ўринларга ҳам даъвогарлик қилишаётгани қувонарлидир. Масалан, гипс керамика усулида ишловчи Тўлибжон Маилов турли хилдаги ҳайвонлар, гул тувакларини, замонавий йўналишда ясалган нақши нигорларни тайёрлаб олқиш олаётир. Буюмларига турли вилоятлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Хайрлашаётганимизда Матлуба Эшназарова кўнглидаги самимий эътирофни шундай баён қилди:

— Энг аввало, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бу йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номлангани ва ўтаётган тўққиз ой ичида бу соҳада жуда катта ишлар амалга оширилганлиги бошқалар қатори бизларни ҳам қувонтирмоқда. Ниятимиз, бу борада бошланган савобли ишлар давом этаверсин. Илоҳ, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Тошкент вилояти.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ва изчил сиёсат замирида инсон манфаатлари — энг олий қадрият, деган тамойил ётибди. Шу боис ҳам мустақилликнинг илк йилларидаёқ юртимиздаги дастлабки ислохотлар айнан соғлиқни сақлаш тизимига эътибордан бошланган эди, десак янглишмаймиз.

Оддий бир мисол: оилада хали фарзанд туғилмасидан аввал тиббий муассасаларнинг доимий эътиборида бўлиши, туғруқдан сўнг ҳам она ва бола соғлиги мунтазам равишда кўриқдан ўтказилиб, керакли кўмаклар кўрсатиб турилиши

юксак инсонпарварлик тамойилларига мос. Буни ўз оиламиз мисолида ҳам айтишимиз мумкин.

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 2-оилавий поликлиникага йўлимиз тушса, тиббиёт ходимларининг ширин муомала ва очик юз билан кутиб олишидан кўнглимиз ёришади. Бош шифокор Шора Қобилова, болалар бўлими бошлиғи Хотида Фанихонова, эмлаш хонаси шифокори Раъно Расуловалар ўз ишига

жиддий масъулият билан ёндашаётганини кўриб, фарзандларимиз соғлиғи ишончли қўлларда эканига амин бўламиз. Қолаверса, шифохона керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, аксарият кўрик ва ташхисларни шу ернинг ўзида амалга ошириш имкони мавжудлиги ҳам аҳолини кўнгина оворагарчиликлардан халос этмоқда.

София ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар, Миробод тумани
Мунис кўчаси, 4-уй, 21-хонадон.

Кўлингиз дард кўрмасин!

МИННАТДОРЧИЛИК

Аслида йиғлагиси келиб турган бўлса-да, лекин кулаётган, атрофдагилардан ўз қайғу-ғамини яшираётган одамга қанчалар қийин! Бундай иродали, айни пайтда мураккаб образни сахнада талкин қилаётган актёрга ҳам осон эмас: у бир пайтнинг ўзида томошабинни кулдириши, айни дамда чуқур, теран ўй-мулоҳазаларга чорлай билиши, энг муҳими, ўз ҳақиқатига бошқаларни ҳам ишонтира олиши керак. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод Абдуллаев талкин этган ролларни томоша қиларканмиз, ёнгинамизда юрган оддий, бир қарашда кулгимизни кўзгатадиган жайдари одамларнинг ҳам аслида катта кўнгли, бой руҳий дунёси борлигини ҳис қиламиз. Умр мазмуни, инсон қадри ҳақида жиддийроқ ўйлай бошлаймиз. Беихтиёр билгимиз келади: хўш, бу инсоннинг ўзи қандай табиатга эга экан? Кўнглида қандай кечинмалари, орзу-ниятлари бор? Ўзи ўйнаган образларидан қай даражада фарқ қилади?

Ана шу саволлар бизни санъаткор ишлаётган қутлуг даргоҳ – Ўзбек Миллий академик драма театрига бошлаб борди...

— Фарҳод ака, инсоннинг туғилиб ўсган, тарбия топган маскани ҳам унинг келажакида ким бўлиб етишишига таъсир кўрсатадими?

— Бўлмасан-чи, эртанги тақдирингизда, камолотингизда сиз кўз очган гўшанинг ҳар бир гнёҳи, зилол сувлари, мусаффо ҳавоси, олтин тупроғи, бағрикенг одамлари албатта катта ўрин тутди. Ўзимдан қиёс: болалигим Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги энг сўлим ва хушманзара қишлоқларидан бирида ўтган. Тонгда кўешнинг чиқиши-ю, наҳорги шабада гулу гнёҳларнинг хушбўй атрини таратиб, дилларга хузур бағишлаши, йилнинг тўрт фасли алмашилишини кузатиш... Табиатнинг бундай бетақдор мўъжизаларини кўрган бола санъатни, гўзалликни севмасдан, ижодкор бўлмасдан иложи йўқ-да. Раҳматли отам Бадал Абдуллаев жиддий, қаттиққўл эди. Аммо бирор тўй-томошага бориб қолсак, яхшироқ мусиқа чалинса, мени даврага чорлаб, ўзлари қарсақ чалиб завқланарди. Мумтоз кўшиқларимизнинг ҳақиқий шинаванда-си эди. Онам Нозикой ая эса уйда кўрпа кавиётиб ҳам халқ дostonларини хиргойи қилиб ўтирарди. Мен бўлсам ёнларида эшитиб ором олардим. Балки, санъаткор бўлишимда ана шу ажойиб муҳитнинг ҳам ўзига хос таъсири бўлгандир.

Бир замонлар қишлоқ клубларида ҳинд бадиий фильмлари намойиш этилар ва бутун ёшу-қари кино кўргани борарди. Адашмасам, биринчи марта беш ё олти ёшимда дадам билан кинога борганим эсимда. Актёрликка, кинога бўлган қизиқиш менда ўша палладан бошланган бўлса ажабмас. Мактабимиздаги байрам тадбирлар менсиз ўтмасди. Ўқишни битирганимдан сўнг онамнинг розилигини олиб, ўша машҳур "театральний"га ҳужжат топширдим. Отам саккизинчи синфда ўқиб юрганимда оламдан ўтиб қолганлар ва онам бечора биз — тўққиз фарзандни бозорда фаррошлик орқасидан боққан ва ўқитганлар. Мен қандай бўлса-да, онамнинг ишончини оқлаш ва юзларини ёруғ қилиш учун қаттиқ ўқидим, изландим, ўз йўлиمنى топшига уриндим. Талабалик пайтларимданок театрга қатнаб, оммавий сахналарда чиқиб юрардим. Ўқишни тамомлагач, ҳозирги Ўзбек давлат драма театрида иш бошладим. Албатта, тан олишим керак, бу жамоа мени тўлақонли актёр бўлиб шаклланишимда муҳим роль ўйнади. 1997 йилдан буюн эса Миллий академик драма театрида ижод қилаяпман.

Гарчи менинг актёр бўлганимни отам кўролмаган бўлсалар-да, Оллоҳга шукри, онам ёруғ кунларимни кўриб, фахрланиб юради. Тўй-маъракаларда: "Фарҳод артистнинг онасида шу аёл", дейишса, "Йўқ, менинг ўғлим артист эмас, актёр"

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ: АКТЁРГА ТАНАФФУС КЕРАК ЭКАН



деб тузатиб кўяр эканлар...

— Шундай пайтлар бўлдики, театр заллари хувиллаб қолганди. Аммо актёр ўз фаолиятини ҳар қандай ҳолатда ҳам давом эттиришга мажбур. Бирор ролни чин дилдан маҳорат билан ижро этишингизда залдаги муҳлисларнинг кўп ёки камлиги таъсир этадими?

— Биласизми, мен кўпроқ комик ролларни ижро этганим учунми, залдаги томошабиннинг сони ва қай даражада мароқ билан томоша қилишини кузатаман. Кулиш керак бўлган жойида бутун зал гуриллаб кулса, мен кўзлаган мақсадимга эришган бўламан. Драматик образни талкин этаётганимда эса санокъл бўлса-да, санъатни тушунадиган, қадрига етадиган муҳлислар киришини истаيمان. Аммо хоҳ зал тўла бўлсин, хоҳ ўнта одам бўлсин, барибир актёр ҳар қандай вазиятда ҳам ўз вазифасини виждонан бажариши шарт. Ҳозирги кунда кўз тегмасин, театрларимизга томошабинлар аста-секин қайтапти. Бу албатта қувончли ҳол.

— Актёрлик маҳоратини сўндирадиган қусур нима?

— Биринчидан, ўзи устида ишламаслик, дангасалик. Чунки актёр сахнада ҳар хил комик, драматик, тарихий образларни, турли тақдирларни яратди. У ҳар бир роли устида жиддий ишламас, бир-бирига ўхшаш талкинлар юзага келаверади. Бу эса уни емириб боради ва томошабини ҳам зериктиради. Иккинчидан, бу касбни танлашдан олдин мендаги иқтидор ҳақиқийми ё шунчаки ҳавасми? Мен шу соҳага ўзимни бағишлай оламани, деган саволга жавоб излаш керак. Шундай актёрларни биламан, ўттиз-қирқ йилдан бери ишлайди, лекин ҳалиям ўз йўлини топгани йўқ, бу соҳага бутунлай бегона. Кўча-

га чиқса, ҳеч ким танимади. Бироррта ролини халқ эслай олмади.

— Актёр турли қиёфалар, образларга кириб ҳар хил ролларни ижро этади. Масалан, шахсан сиз ўзингизнинг ички дунёингиз, шахсингизни очиб берадиган ролларни ижро этгингиз келадими? Ва бу роль қандай — салбий, ижобий, комик ё драматик бўлиши мумкин?

— Драматик театрда ишлаган пайтим "Ҳужжатли аҳмоқ" деган спектакль бўларди. Битта спектаклда икки ярим соат ҳам йиғлаб, ҳам кулиб, турли ҳолатларга тушиб, маза қилиб ўйнаганман. Худди ана шундай томошабинини ҳам ўйлатадиган, ҳам кулдирадиган зўр роль бўлса дейман. Лекин бу образни кечроқ, кексароқ пайтимда ўйнашни ва худди Фани Аъзамов "Олтин девор"даги, Зайнаб Садриеванинг "Келинлар кўзголови"даги сингари бир умр одамларнинг ёдида қоладиган ролим бўлишини хоҳлардим.

— Фарҳод ака, кинода сиз кўпинча эсда қолавери харакетлар, тилаж ролларни ижро этасиз. Бу режиссёрлар кашфиётими, ёки?..

— Кинода биринчи навбатда ташки кўринишга қараб актёрлар танланади. Агар ички имкониятларингиз ҳам шу ролга мос бўлса бу режиссёрнинг икки қорамоди. Биз кинода режиссёр Юсуф Розиков билан самарали ижод қилдик. Унинг айтишича, "Дилхирож" фильмининг суратга олиш жараёнининг ўзидаёқ "Уртоқ Бойкенжаев"ни менга бағишлаб ёзган экан. Биз у киши билан бир-биримизни ярим сўзимизданок тушунардик. Ҳозирги кунда истеъдодли ёш киши режиссёрларимиздан Ёлқин Тўйчиев билан ишлаяпман. У билан яқинда ҳам бир кинода ишладик. Ҳар бир режис-

сёрнинг ўз актёрлари бўлади дейишди, ҳақиқатан ҳам бундай ҳамкорликнинг натижаси ижобий бўлар экан.

— Фарҳод ака, ҳаётингизда кескин бурилиш ясаган бирор воқеа-ҳодиса юз берганми? Ва бундай вазиятдан қандай чиқиб кетгансиз?

— Фалокат оёқ остида, десалар ишонгиси келмайди одамнинг. Лекин тақдирни қарангки, оддий зинапоядан оёғим тойиб кетиб, жароҳат олдим. Ва ана шу қургур нотўғри битиб, икки йил ётиб қолдим. Тезда тузалаверамагач, тўрт марта жарроҳлик операцияси ўтказилди. Тинимсиз оғриқлар, муолажалар... булар энди айтишга осон. Лекин ана шу кечган йиллар менинг сабр-иродами ҳам имтиҳондан ўтказди десам бўлади. Ва айтишим мумкинки, ана шу вақт менинг бутун ҳаётим, ижодимни сарҳисоб қилишим учун етарлича мuddат бўлди. Бошида очиги, бунга кўниқим осон кечмади. Чунки мендек доим ҳаракатда, тапир-тупур, югуриб, чопиб юрадиган одам учун бундан ортик азоб йўқ эди. Лекин қаҳрамонларимдан бирининг "Бундан ҳам баттари бўлиши мумкин эди-ку" деган далдасини ўзимга шиор қилиб олдим ва секин-аста ҳаётга бошқача қарай бошладим. Авваламбор, жонажон театримиз, сахнани, томошабинларни соғиндим. Ҳамма нарсанинг қадрига етадиган бўлдим. Ўша йиллари "Кўнгли" спектаклини сахналаштиришни режалаштирдим. Умуман у қайси соҳада бўлмасин, ижодкор учун бирор мuddат танаффус керак экан деган ҳулосага келдим. Аммо бу билан кимнингдир қўли ё оёғи синсин демоқчимасман. (кулади)

— Оилангиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Ташкентда ишлаб юрган йилларим эди, ҳар гал қишлоққа борсам, онам "Фалончининг кизини кўрсанг-чи, ҳамма мақтаяпти учрашасанми?" деб холижонимга қўямасдилар. Мен ҳам ҳар сафар кўрмасдан туриб, ёқмади деб қайтиб келаверадим. Навбатдаги боришимда яна онам кўярда қўймай "Ўғлим, бир қиз бор, илтимос, учрашгин", дедилар. Эшитишимча, у қиз кўпчилик совчиларни қайтарган экан. Менга ҳам йўқ деса керак, деб шунчаки кўрдим, пойтахтга қайтиб кетдим. Йўқ, бахтимни қарангки, менга дарров рози бўлибди. Шу билан тўйимиз бўлди. Энг кизми, "Диёнат" видеофильми экранларга қўйилиб, мени Отақўзи образи орқали одамлар таний бошлаган пайтлари кўшлоққа кириб бораётсам, сумкача кўтарган ўқувчи қизлар "Вой, бу киши ҳалиги кинодаги Отақўзи-ку" деб ўтиб кетишган. Кейин билсам... мен уйланган қиз ўшаларнинг бири экан. Тўйдан кейин келиннинг сарполари орасида кичкина сандикнинг ичи тўла "Кино" журнали бор экан. Ушунда "Ҳа, яхши, демак, кинони тушунар экан" деб хурсанд бўлганман...

Умр йўлдошим Нодирахон боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Касб ва турмуш ўртоғи танлашда адашмаслик керак, дейишди. Оллоҳга шукр, мени иккала томондан ҳам тақдир ёрлақанган. Нигора, Ирода ва Жамшид исмли фарзандларим, Нодирбек, Санжарбек ва Азизбек деган набираларим бор. Тақдиримдан ҳеч қачон қолимайман, бахтлиман!

"Оила ва жамият" муҳбири Шаҳноза РОФИЕВА суҳбатлашди.



ПИЁВА — тилимизда пиёздоғ ва сувдан тайёрланган гўштсиз суюқ овқат маъносини аниқлаган "пиёва" сўзи "пиёз" ва "об", яъни "сув" сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

Мазифа опа эса, қунора айвондаги ўчоқда бир иссиқ пиёва қилади.
Шукур Холмирозев

ПАЙСА — бу сўз тарихимизда кўп ишлатилган. Мумтоз адабиётимизда, халқ оғзаки ижодиётида ҳозир ҳам "пайса" сўзига кўп дуч келамиз. Бу сўз тахминан 50 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги маъносини билдирган. "Пайса" сўзи тилимизга асли ҳинд тилидан кириб келган бўлиб, "чақа пул", "майда танга" мазмунини ифодалаган.

Етмиш икки хунаринг бор, лекин хумчанга беш пайса жиринг йўқ!

Абдулла Қодирий

САНДАЛ — Ўрта Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Японияда маълум бир жойни иситиш учун мўлжалланган манқал "сандал" деб аталган. Сандал хонанинг ўртасига ўрнатилган, у хонтахта шаклида бўлиб, устига кўрпа ёпилиб, атрофига кўрпачалар тўшалган. Сандал остидаги ўчоққа саксовул ёки кўмир чўғи солинган. Совуқда одамлар сандалга қўл ва оёқларини тиқиб иситишган.

Бундан ташқари, тилимизда юнон тилидан кирган "сандал" сўзи ҳам бор. Яъни, хушбўй, эфир мойига бой қўп йиллик яшил дарах ҳам "сандал" деб аталади. Шунингдек, ковушнинг бир турига ҳам "сандал" дейилган.

Бу уйдаги сандал атрофига шоҳи ва атлас кўрпачалар тўшалган, катта-катта парку ёстиклар қўйилган.

Абдулла Қаҳҳор

Хушбўй сандал дарахтидан ишланган миз устида Навоийдан келган олтин боғичли хат турарди.

Пиримкул Қодиров

У оёғига доим енгил сандал кийиб юрарди.

Абдулҳамид Маждий

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

2011— КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Санобар опанинг саховати

Санобар Искандарова чин маънода ўзини бунгун кун тадбиркори деб ҳисоблайди ва бор кучимкониётини аҳоли фаровонлигини таъминлашга сарфлашни ўзининг фуқаролик вазифаси деб билади. Энг муҳими, унинг хайрли ишлари хусусида кўпчилик эътибор билан қўлқўллаб келинади. Аҳолини қўлқўллаб нон ва шириндан-шакар пишириқлар билан таъминлаб келаётган суҳбатдошимизни бир қур гурунгда тортиш ҳам осон келмади. Чунки у киши бемалол дам олиш ёки бирор-бир бефойда ишларга вақтини кетказишни хуш кўрмайди. Бир кунини ҳам имкони борича савобли ишларга сарфлайди ва бу одатини ўз ҳамкасбларига ҳам аллақачон юктирган десак муболага бўлмайди.

— 2000 йилда «Аҳрорбек бизнес савдо» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган эдик, — дейди **Санобар Искандарова**. — Ушанга шаҳримиз аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи катталигини инобатга олиб, гарчи ўзимиз ишлаб чиқармасак-да, пойтахтимиздаги



энг яхши нон ишлаб чиқарадиган цехлар билан шартнома имзолади. Мана, ўн бир йилки, талаб-эҳтиёжга яраша аҳоли ва мактаб, коллежларга шартнома асосида қўлипти нонлар етказиб бераётган бўлсак, тўртта дўконимизда эса озиқ-овқат маҳсулотлари, ширин пишириқларни эл дастурхонига тортиқ этаймиз.

Азалдан бизнинг халқимиз нонни улуғлаган, эъзозлаган. Шу боисми, айникса, кексалардан "Нондай азиз бўлгин" деган дуоларни эшитсам, руҳланиб кетаман. Шу қилаётган камтаринга нон хизматим эвазига қанчалар рўзгорларга хайр-барока кираётганини ҳис этаман ва куну тунтиним билмай ишлагим келади. Албатта, бу ишимни кўрганлар орасида "Ха, энди фойдаси бордирки, юғриб-елади" дейдиганлар ҳам чиқади. Лекин бундай хизматни ҳар ким ҳам урдадаси мушкул. Фақат ўз манфаатини ёки нафсини ўйлаганлар адашади. Шунинг учун жамиятимизда меҳнат қилаётган 11 нафар ишчиларим билан бамаслаҳат ҳолда иш юритаман. Биласиз, савдода калондимонлик ёки ёлгончилик кетмайди, аксинча, сиз хушфезл,

хोजиржавоб ва албатта ҳалол бўлсангиз ризқингиз бутун бўлади. Назира Розикова, Муборак Шаронова, Хуринисо Саматова сингари сотувчиларимиз харидорлар хурматини қозонишган. Яхшиси, бизнинг кўрсатётган ҳолис хизматимиздан одамларимизнинг кўнгли тўлган-тўлмаганини мен мақтаниб айтиб ўтирсам, ярашмайди, ўзларидан сўрай қолинг...

Дарвоқе, Санобар опанинг ўзи хайру саховат бобида амалга ошираётган ишларини камтарлик қилиб айтган бўлсак, бу ҳақда Ойбек, Кончи, Хамид Олимжон сингари маҳалаларда яшовчи қаровчисини йўқотган, ногирон ёки кам таъминланган оила вакиллари кўнгилларидаги самимий миннатдорчиликларини билдиришди.

Хуллас, бу тиниб-тинчимас тадбиркор замондошимиз Санобар опа Искандарова туманда пахта мавсуми қизгин паллага кирганлиги боис фермер ва ҳашарчилар ҳузурига шошилаётганини айтиб, минг бора истиҳола билан шундай дея хайрлашди:

— Хозир юртимизда ҳалол ва сидқидилдан ишлайман деган тадбиркорлар учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Биз элимиз дастурхонини тўкин ва обод этиш йўлида хизмат қилмоқчи ўзимизнинг инсоний бурчимиз деб биламиз...

Нигора ЭРКИН кизи

АДЛИЯ ФАОЛИЯТИ

Ҳуқуқий хизматлар сифати оширилмоқда

Юридик актларни расмийлаштиришда давлат нотариусларининг касбий савияси муҳим аҳамият касб этиши сир эмас. Шу боис мазкур соҳага доир қонун ва қонуности ҳужжатлари мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис 1997 йили қабул қилган "Нотариат тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамаси 2003 йили қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори билан нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг янги тартиби белгиланди. Адлия вазирлиги 2010 йили 30 март куни "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома"ни тасдиқлади. 2010 йил 14 сентябрда эса "Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун чиқарилди.

Янги тартибларга кўра, бошқа юридик муассасаларда 2 йил ишламаган ва нотариал идораларда 2 йиллик стажировкани ўтамаган шахслар нотариуслик лавозимига қўйилмайди. Ўз навбатида, нотариуслар беш йилда бир марта малака ошириши қатъий тартибда белгиланган. Фуқаролик кодексининг 1140-моддаси билан тўлдирилиб, меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши – меространсмиссияси тушунчаси киритилди. 1147-моддада меросхўз мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақлиги қўрсатилди.

Нотариал йўриқномага ҳам айрим ўзгартишлар киритилди. Чунончи, учинчи бобнинг учинчи параграфи 58-бандида "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисmini сотиб олувчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчи фуқаролар бўлганда, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисmini сотиб олиш, айирбошлаш, ҳада қилиш ёки гаровга қўйиш битимларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни "Ергеодекадастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлинимасида давлат рўйхатидадан ўтказиш фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузуридаги Махсус комиссиянинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида рўйхатдан ўтказишга рухсат бериш, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисmini сотиб олиш тўғрисидаги қарори тақдим этилган тақдирда амалга оширилади", деб ўқтирилган.

Алқисса, Ўзбекистон нотариал ҳаракатлар тизими мустақиллик йилларида такомиллашиб, ҳуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари муҳофазаси тамойилларида мос равишда қабул қилинган.

Баҳоидир ХАЙРУЛЛАЕВ,
Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуси.
Сафия ХУСАНОВА,
Ангрэн шаҳар 1-сонли ДНИ нотариуси.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ОДАМ САВДОСИ — ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТ

Трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли кўринишларидан барча мамлакатлар қайсидир даражада жабр кўраётди. Сайёрамизнинг қай бир нуқталарида пайдо бўлиб, эндиликда газак олиб кетган иллат инсониятнинг оғрикли муаммосига айланди. Бу эса глобал муаммони имкон қадар тезроқ ҳал этиш, одам савдосига қарши курашишда халқаро миқёсда таъсир чораларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Ҳар бир давлат шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сиёсий зарурат даражасига кўтарилади.

Хусусан, юртимизда 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ушбу трансмилий жиноят билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик мазкур иллатга қарши курашишнинг асосий принципи сифатида белгиланиши беҳис эмас. Мазкур қонунга биноан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолият юритадиган давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши лозим.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида туманимизда тегишли идоралар билан ҳамкорликда айни йўналишда бир қатор ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказиб келинаёти. Аҳоли билан учрашувларда одам савдосининг трансмилий жиноятларнинг бошқа турлари билан боғлиқ жиҳатлар ҳам назардан четда қолмапти. Шу ўринда тарғиботнинг энг таъсирчан воситаси бўлган марказий ва маҳаллий ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф этиш жоиз. Миллионлаб томошбинларни жамлаган телевидение, радио, кўп сонли мухлисларга эга бўлган газета-журналлардаги чиқишлар аҳолини бекфар қолдирмаёпти. Мутахассисларимиз ноконуний йўллар билан хорижга чиқишнинг салбий оқибатларини атрофлича, ҳаётий мисоллар ва теран таҳлиллар асосида тушунтириб, аҳолини огоҳликка чақирмоқда.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларини одам савдосининг салбий оқибатларидан асраш олий қадрият саналиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, қонун устувор бўлган юртимизда инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга жавобгарлик муқаррар.

Нилуфар ТОЛИПОВА,
Қува тумани ФХДБ бўлими мудир.

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги

Султонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган

"QORA-MUSTANG"

хусусий фирмаси жамоаси

юртимизнинг барча илму маърифат

вакилларини умумхалқ байрами

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

билан самимий муборакбод этади!

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда савобли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам устоз ва мураббийлар!



Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎКЎВ МАРКАЗИ

куйидаги ўқув курсларига тақлиф этади.
Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шуми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Хамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Хамшира (тектор) — 3, 4 ой (амалиёти билан).
Тиббий масоҳа — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар бўйи курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макياج — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикшиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикшиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каштачилик — 3 ой (машинада вишыёк).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой.
Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикшиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан
Етоҳгона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехон бозори бош томони ораксизда.
Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фаргона йўли кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82
+99897 785-90-30 (кундуз)



Хурматли Ўринжон опа
Ғойибова!

Сизни таваллуд айёмингиз ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Бекобод туман ХТБ жамоаси, фарзандлари ва Абдуқодир ака

Бухоро шахрида яшовчи эр-хотин Аҳмад ва Доно Муртазоевлар тўрт нафар фарзанднинг ота-онаси. Қизи Малика 1980 йили туғилган, бир нафар фарзанди бор, ажрашган. Ўғилларнинг каттаси Исмат оилали, Неъмат эса уйланмаган...

Оила бошлиғи Аҳмад Муртазоевнинг аслида бошқалардан кам жойи йўқ эди — ўзининг хусусий фирмасига эга, тагида машина, дангиллама ховли-жойи бўлса, қандай жин йўлдан уриши мумкин, деган савол қийнади кишини. Кутилмаганда эр-хотин бирданига бойиб кетиш пайғи тушиб қолишди. Аниқроқ айтганда, куда бўлиши аёл, яъни катта ўғли Исматнинг қайнонаси (!) Дилобар Қулматованинг бойликлари уларни йўлдан оздирди". Аҳмад тўйдан кейин хотинини гапга солди:

— Бу қудагайинги эшитдим, Дубайда иши зўрми, дейман? Кеча тўйда таққан тақинчоқлари-ю, кийган кийимларининг пулига нақд битта машина беради. Бундай кўнглига қўл солиб кўрсак-чи, агар йўқ демаса, бизларни ҳам ёнига олсин...

Донога ҳам бу таклиф ёқиб тушди ва янги қуданикига маслаҳат учун йўл олишди. Дилобарнинг турмуши кўп йиллар аввал бузилган. Шу боис унинг ўзи онаси билан яшарди. Анчадан буён Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шахрига қатнар, қўни-қўшни, таниш-билишлари бу аёлнинг тилло тақинчоқлар олди-сотдиси билан тирикчилик қилишини айтиб юрарди.

Одатда янги қудалар учрашишса, ёшларнинг келажаги ҳақида гаплашадилар. Лекин улар бундай қилишмади. Аксинча, Аҳмад куюқ дастурхон устида озгина ширакайф бўлгач, дардини айтиб зорланди. Қудагай ҳам аёл киши бўлса-да, дангал гапни айтиб қўя қолди:

— Мен сизларни тушундим, қудажонлар, майли, қўлимдан келгунича ёрдам бераман. Фақат менинг бизнесим са-а-л қалтисроқ, чидасанглар бўлгани...

Осон пул топишга муккасидан кетган эр-хотин тузилаётган режанинг охири яхшилиқ билан тугамаслигини билса-да, ўйлаб ҳам ўтирмади:

— Осон жойда ош қайда, деган гапни биз ҳам биламиз. Сиз бизга йўл-йўригини айтинг. Қолганини ўзимиз эплаймиз. Сармоямиз етарли.

Дилобар энди сирли «бизнес-режа»-сини уларга очди:

— Мен Дубайга ёш қизларни олиб бориб ишлатаман, — деди пастигна овозда. Чунки бу пайтда онаси меҳмонлар ўтирган хонага кериб келган эди. Гап шу билан узилди. Лекин қудалар ҳам анойилардан эмасди, қудагайининг сирли табассумиданоқ қизлар у ёқда қандай «иш» бажаришларини англаб улгуришган эди.

Хуллас, улар эртаси кунiek ишни нимадан, қачон ва қандай бошлаш ҳақида келишиб олишди. Орадан икки ҳафтача ўтиб, хорижга чиқиш визасини қўлга киритган Доно қудагайи Дилобар билан Урумчи шахрига жўнаб кетди. Келишувга биноан ёш ва чиройли қизларни топиб, уларнинг ортидан жўнатиш Аҳмаднинг чекига тушди. Хорижда ишлаш истагида юрган қизлар ҳам тезда топила қолди. Унинг биринчи ўлжаси Анжела Улашова, Розия Усмонова ва Наргиза Султонова бўлди. Бухоро шахридаги кафелардан бирида официантлик қилувчи содда қизлар бойвачча мижознинг ваъдаларига лаққа тушишди.

Аҳмад қизларга Урумчи шахри рестораниларидан бирида иш борлигини, ойлик маошлари 500 АҚШ долларидан кам бўлмаслигини, ётоқ жой ва оқватланиш текинлигини айтди. Шунингдек, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни тўғри-лаш, Урумчига бориш учун чипта олиб беришни ҳам ўз зиммасига олди. Фақат қизлар иш бошлагандан кейин у ёқда кутиб олган аёлга қарзини қайтаришлари шартлигини тайинлади.

Қизлар ҳам мўмайгина даромад ҳақидаги чўпчакка ишониб, паспортларини Аҳмаднинг қўлига тутқаздишди, у

Кўхна Шарқда азал-азалдан оила муқаддас ҳисобланган. Аиникса, ҳар бир хонадонда ота-онанинг, фарзандларнинг ўз ўрни ва вазифалари белгилаб қўйилган. Қолаверса, амалдаги қонунчилигимизда ҳам бу борада тегишли кўрсатмалар мавжуд. Оила — энг аввало, тарбия ўчоғи, жамиятнинг асосий таянчи. Отонанинг бурчи эса, шубҳасиз, жамият учун энг биринчи навбатда, одобли, оқил ва билимдон ворислар тарбиялашдан иборатдир. Минг афсуски, ораимизда ана шундай «олтин қоида»ни бузиб, болаларини эзгуликка эмас, аксинча, ёмонликка бошлаётган ота-оналар ҳам учраб турибди.

ТОВЛАМАЧИЛАР ОИЛАСИ

ёхуд бухоролик эр-хотин ва... фарзандлар содир этган мудҳиш жиноятлар хусусида



ўз тўрига

илинган қизларнинг қўлига уй манзили, телефонига-ча берди. Унга ишонмай, кимга ишонсин.

Ниҳоят, тегишли ҳужжатлар тайёр бўлгач, Аҳмад уларни ўғли Исматга қўйиб, таксида Тошкент шахрига жўнатди. Куёв бўлмиш Исматбой ҳам қайнонаси аввалдан чизиб берган режага асосан уч қизни Тошкентдан Бишкекка олиб бориб, самолётда Урумчига учириб юборди. У ёқда «товар»ларни кутиб олган Доно билан Дилобарнинг биринчи иши қизларнинг паспортларини олиб қўйиш, иккинчи иши «мижозбон» қилиб кийинтириш, учинчи ва энг асосий ишлари эса фоҳишалик билан шуғулланишга тайёрлаш эди. Улар ҳам ўз вазифаларини қўйилмақом қилиб уддалашди. Қизларнинг ҳар бирининг бўйнига нақд 5000 АҚШ долларидан қарз юқини юк-лаб, қачонки ана шу қарзни тўласалар, шундан кейингина паспортларини қайтариб беришларини айтишди. Агар кимда-ким айтганларига қўнмаса, шу ернинг ўзида жисмонан йўқ қилиб юборишларини ҳам эслатиб қўйишни унуттирмади. Шу тариқа, бирор бир тилни билмайдиган, борадиган жойи, арз қиладиган таниш-билиши йўқ қизлар уларнинг буйруқларини қулоқ қоқмай бажаришга мажбур бўлишди...

Икки қудагай Урумчининг «Хуачо», «Бинжан», «Юлен» меҳмонхоналарида қўшмачилик билан шуғулланиб, ўзларига моддий жиҳатдан қарам бўлган навниҳолларни мунтазам равишда фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этишди. Қанчалик аянчили ва уят бўлмасин, улар қизларнинг кунлик «тушум»ларини ҳисоб-китоб қилиб, ҳар куни яна янги режалар тузишарди...

Оталик номига иснод келтирган Аҳмад ўзининг янги «бизнес»ига кичик ўғли Неъматни ҳам жалб қилди. Энди икки ўғил ва ота қиз топиб, хорижга

жўнатиш билан мунтазам шуғуллана кетди. Уларнинг фириб тўри аввал Бухоро, кейин Навоий, сал ўтиб Самарқанд, Тошкент, ҳатто, водийгача қамраб ола бошлади. Қаердаки содда, ҳаётда бирор-бир муаммога дуч келган, ёрдамга муҳтож, энг асосийси, ортидан суриштирадигани йўқ қизларнинг дарагини эшитишса, алдаб-авраб Урумчига жўнатишарди...

Кўза кунда эмас, кунда синади, деганлари рост экан. Икки қуда ҳаром-хариш йўли билан бойиётган бир пайтда кутилмаганда Дилобарнинг кўнглига ғашлик тушди. Нега десангиз, қизлардан бири зўрга қутулиб қочган ва Ўзбекистонга қайтиб, унинг устидан ҳуқуқ-тартибот идораларига арз қилган эди. Табиийки, Дилобар Қулматованинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, унга нисбатан кидирув эълон қилинган экан. Бу эса Доно ва Аҳмад учун аини мудао эди. Чунки улар ўз-ўзидан кераксизга айлан-иб улгурган «шерик»дан қутула олмаётганлариди-да.

Эр-хотин шу ердаям қандай қилиб бўлса-да пул топиш йўлини излашди. Келини Дилрабои алдаб, «Онангни ишини тинчитишга ёрдам берамиз» деб, бунисидан минг доллар олишади. Лекин бу пул ҳам уларнинг ҳақалак отган нафисига юк бўлмайди. Кейин яна 6000 АҚШ доллар сўратганда, келинининг буниси унда бунча пул йўқлигини айтди...

Бу вақтда кундан-кунга «ов»лари бароридан келиб, «мижоз» ва «ишчи»ларнинг сони орта боргани боис Доно ёлғизланиб, «иш-ни эплай олмай қолган эди. Шунинг учун Аҳмад ҳеч иккиланмай бу жирканч ишга ўз қизи Маликани ҳам жалб қилади. Энди Урумчида Дилобарнинг ўрнини Малика эгаллайди.

Энг даҳшатлиси, олиб борилган тергов ва суд материаллари билан танишсангиз, Маликанинг ўз жинсдошларига

нисбатан қилган шафқатсизликларини ўқиб ёқа улайсиз. Яхшиси, бу ҳақда ёзмаган маъқул.

Энди товламачиликни касб қилиб олган оила аъзоларига Бухоро билан Урумчининг ораси бир қадам бўлиб қолган эди. Ҳали Аҳмад, ҳали Исмат, ҳали Неъмат у ёққа зир-зир қатнар, бир сафар Доно ва Малика «жамғараётган» пулларга нималардир олиб келса, бошқа сафар «товар»ларни кузатиб боришарди. Лекин...

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Кунларнинг бирида минг бир маломат билан юртимизга қайтиб келган қизларди бири ҳуқуқ-тартибот идораларига Муртазоевларнинг «оилавий бизнес»и ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Кейин текширув, суриштирувлар бошланди. Жабрланганлар сони ўттиз нафарга яқин эди. Энг ачинарлиси, қинғир йўллар орқали Ўзбекистондан чиқиб кетган бу қиз-жувонлар ўзга юртдан жарақ-жарақ пула эмас, балки турли хасталикларни орттириб қайтишди...

Тергов жараёнида аниқланган айрим ҳолатларга эътибор беринг: Аҳмад Муртазоев хорижга жўнаб кетаётган ҳар бир қизнинг паспортидан нухса олиб, ана шу нухсанинг орқасига «Мен хорижга ўз хоҳишим билан кетаяпман. У ёқда фоҳишалик билан шуғулланмайман. Ҳеч кимга даъвоим йўқ», деб тилхат ҳам ёздириб олган ва бу ҳужжатларни ўз уйидаги сейфда асраб келган. Бундан чиқадики, у ўзи қилаётган иш қонунга зидлигини, бир кун келиб жавоб беришга тўғри келишини, шундай пайтда тилхатлар воситасида жавобгарликдан қутулиб қолишни режалаштирган. Лекин тергов ва суд жараёнида бу тилхатлар «оилавий бизнес»-чилар томонидан қанча жиноят соди этилганини исботловчи асосий далиллардан бири бўлди.

Шунингдек, она-бола Доно ва Малика ҳам ёндафтарига қайси куни, қайси қиздан неча АҚШ доллар олишганини кетма-кет қайд этиб боришган экан. Улар сувдан қуруқ чиқишга қанчалик ҳаракат қилишмасин, юқоридаги далиллар улар содир этган жиноятлар силсиласини очиб ташлади.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди ушбу ишни кўриб чиқиб, айбдорларга тегишли тартибда жазо чораларини қўлади.

Бир қараганда, мақолага шу ўринда нуқта қўйса ҳам бўларди. Чунки жиноятчилар ўз қилмишларига яраша жазоларни олишди. Аммо...

Ҳар бир ақли бутун инсонни оғоҳликка чорлайдиган яна бир жиҳат борки, бу ҳақда тўхталиш шарт. Бу жиноятнинг содир этилишида бойлик топиш авасвасига тушган оила аъзолари тўла айбдор, уларни ҳеч қанча оқлолмайди ҳам. Лекин бошқалар-чи, уларнинг ҳавоий ваъдаларига ишониб, ўзга юртга отланган қиз-жувонлар-чи? Уларнинг айби йўқми? Бу-гун оммавий ахборот воситалари орқали, қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари ҳам деярли ҳар кун ноқонуний йўл билан хорижга ишлаш учун кетган ва кетаётган фуқаролар дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ҳақида бот-бот оғоҳликка, сергалликка чорлашмоқда. Одам савдосидек жирканч жиноятнинг олдини олиш мақсадида маҳаллардан фалолари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Афсуски, шунча тарғибот-ташвиқот ишларидан кейин ҳам юқорида биз ҳикоят қилган каби воқеалар рўй бераёттир. Хўш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Назаримизда, энг аввало, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши, қадам босишдан аввал, унинг ҳуқуқий оқибати нима билан тугашини англаши лозим. Ана шундагина жабрдидалар сони камаяди. Оғоҳ бўлинг, осон йўл орқали пул топаман деб алданман!

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Бухоро вилоят судининг раиси.
Сардор ҲАМРОЕВ.**

(Мақоладаги исм-шарифлар ўзгартрилган)

Шафтоли шифоли

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

АЖАБ ОЛАМ

ШИФОБАХШ хусусиятлари:

Етиблиб пишгани ейилса, ични юмшатади. Иссиқ буғларни ҳаракатга келтирмайди, қуриш ва чанқоқни кетказади. Қон босими ва сафро моддалар устунлигини пайтиради, миёдаги иссиқликни йувтади. Бадан мижози қуруқ савдодан куйган бўлса намлик еткази. Сафро, қон кўпайишидан пайдо бўлган иситмани кеткази. Оғиз ҳидланишини йўқотиб, иссиқ мижозли кишиларнинг шаҳватини кучайтиради, иштаҳани очади.

Пишган шафтоли суви кечаси олиб қўйилса, дурдаси ичига тушади, эртаси куни соф сувига 150 грамм шакар қўшиб ичилса, сафро моддаларни, туриб қолган ахлатларни даф қилади. Шафтоли меваси хўл мижозли кишиларга ва асабларга зиён келтириши мумкин. Меъдада тезлик билан айниди, узундан-узқ иситма чиқариши ҳам мумкин.

Қаттиқ шафтоли кеч ҳазм бўлади, қабиэятлик (ич қотириш) хусусияти бор. Баданда ел, йўғон ичкада эса шиб ва касаллик пайдо қилиши мумкин. Кўпроқ зарар келтирадигани хоми яъни пишмаганидир. Ачғиғи доимий равишда ейилса, ҳазми оғир, қабиэят пайдо қилади. Аммо ҳазм бўлса, озуқалиги кўп ва ошқозонга зарарли моддаларни ўтказмайди. 50 грамм ачқик шафтоли баргининг сувини қайнатиб ва гулини шакар билан

доимий истеъмол қилинса, меъдадаги ҳамма куртларни ўлдирди. Бунинг хатто ана шу тайёрланма суви киндикка суртилса, қориндаги куртларни ҳам йўқ қилади. Гулини эзиб карам билан хамир ясаб, ўралса, яраларни қуриштириб туширади.



Шафтоли мағзининг ёғи илқ холда қулоққа томизилса, қулоқ оғриғи ва қарликка даво бўлади. Агар ейилса, бавосилга ҳам малҳамдир. Мағзи чайналса тишларга фойдаси бор. 3,5 грамм данагининг пўчоғини майин эзиб, ейилса ични қотиради. Унинг данагини оловда қуйдириб, кейин мағзини ажратиб олиб, ячиб, болаларнинг баданидаги кўтир ва доначаларга ҳамда қулоғи орқасида пайдо бўладиган ярага суртилса, тез тусалади.

МУРАБОСИни тайёрлаш учун узилмасдан пишган, қаттиқроқлари танланади. Кейин эса пўстлоғи арчилади. Пўсти яхши арчилиши учун 15-20 сония қайноқ сувга солиб олиш лозим. Сўнг ёғоч игна билан бир неча жойи тешилиб, 1 дақиқа қайнаб турган сувга солинади ва дарҳол совуқ сувда совитилади. Меваларнинг майдароқ нави бутунлигича, йириги иккига ажратилиб данаги олинади. Устидан шарбат қуйиб, данаклиси уч-тўрт марта, данаксиз эса икки марта қайнатилади. Мураббо шакарланмаслиги учун лимон кислотаси қўшиш тавсия этилади.

1 кг шафтолига 1,4 кг шакар, 2 -2,5 стакан сув ва 3 грамм лимон кислотаси солинади.

ҚОҚИСИ қуришти учун фақат пишганлари танланади. Ювилгач, пичок билан икки паллага бўлиб, данаги ажратиб олинади. Патнисларга паллаларнинг кесилган томонини тепага қаратиб бир қатор қилиб терилади, офтобда 4 - 5 кун қурилади. Қуритилаётган меваларга шудринг таъсир қилмаслиги учун кечаси уларни ёпиқ хонада сақлаш керак. Мевалар яхши сўлигач, бир патнисга қалинроқ қилиб жойланади ва соя жойда охиригача қурилади. Сунъий усулда қуриладиган бўлса, патнисга жойланган мевалар махсус камера, шкаф, печка ёки духовкада 60 - 70 С даражада 10 - 12 соат қурилади.

КОМПОТ тайёрлаш учун янги узилган шафтоли танлаб олинади ва совуқ сувда ювилиб, данаги ажратилади. Шакар ва 2 стакан иссиқ сув солинган кастрюлкага мевалар солиниб, қайнатилади.

500 грамм шафтоли учун 3 - 4 стакан шакар керак бўлади.

БОБУРБЕК тайёрлади.

Патрикнинг гугурт қасрлари

АҚШнинг Айова штатида яшовчи Патрик Эстон (Patrick Asten) гугурт чўпларидан иккита машхур қасрларнинг моделини териб чиқди. Бу санъат асари билан у ўз исми ва яшаб турган шататининг номи дунёга танитиб қўйди. Патрик ясаган биринчи модель Минас-Тирит, иккинчиси эса Хогвартс қасрларини акс эттиради.



Қоғоз

меъморлиги

Кристина Лихан эса америкалик меъмор, рассом ва шунчаки қобилиятли инсон дея эътироф этилади. У оппоқ қоғозлардан машхур биноларнинг моделларини ясади.

Қумсуратлар



Брэтфордлик 32 ёшли рассом Жейми Уордли ва унинг жамоаси Англия ва Шотландия пляжларида ажойиб, ўзига хос суратлар чизади. Бу расмлар шунчаки чизиқлар тўплами эмас, балки маълум сюжетга эга бир бутун картиналардир. Тасвирлар денгиз ювиб текислаган улкан қумлоқ майдонида белкураклар ёрдамида чизилади. Қумларни белкурак билан бир томонга ағдарганда уларнинг ранги ўзгариб тушади. Ҳосил бўлган расм то денгиз оқими уни ювиб кетмагунча тиниқ ҳолда томошабинларга завқ улаштирилади.

Жейми Уордлининг айтишича, денгиз оқими қумларни ювиб кетиб, яна қирғоққа қайтганига қадар ишларини охирига етказиши учун имконларида олти соатлик фурсат бўлар экан.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

“Кизим Наргиза мактабни аяло баҳоларга тугатиб, институтда ўқишини давом эттирди. Асли фарғоналик бўлганимиз учун наманганлик йигитлардан келган совчиларга рад жавобини бердик. Йиллар кутиб турмас экан. Кизим институтни имтиёзли дипломга битириб, магистратурани ҳам тамомлади. Ўзимиз ният қилгандай фарғоналик йигитдан совчи келиб тўйи бўлди. Қувёмиз олий маълумотли, топармон-тутармон, кўрганларнинг ҳаваси келадиган хушсурат йигит эди. Сўраб-суриштирганларимизнинг ҳаммаси йигитни ва ота-онасини мактаганди. Ҳақиқатан ҳам, улар зиёли, тушунган оила экан. Кизим дастлаб ниҳоятда бахтли яшади. Рустам беш ёшида автохалокатда мианси чайқалиб, узоқ вақт даволанган экан. Шунинг асорати боис хушидан кетини, соатлаб ўзига келолмай қийналиб ётар, бу ҳол тез-тез такрорланиб тураркан. Наргиза ҳонимладор бўлишига қорамай, қонуний ажрашди. Унинг кўнглига қараб, барча шароитларни яратдик. Қизчаси соғлом туғилди. Ҳозир неварамиз 2-синфда ўқияпти. Отаси иккимиз Наргизанинг қайта турмуш қуриб, бахтли бўлишини истаймиз. Қизчаси ўзимизнинг қарамогимизда қолади. Наргизанинг ёши 32 да. Маълумоти олий. 38 ёшгача бўлган, соғлом, иши тайин, зиёли, уйим-жойим дейдиган инсон учраса, хабар берсаларингиз.

МАСТУРА, Наманган вилояти”.



“Ота-онанинг хоҳиши билан Фуркатга турмушга чиққандим. У беш қиздан сўнг туғилган эрка ўғил эди. Шу сабаб уйда айтагани айтган, дегани деган экан. Ёлғиз қизлигим учун ота-онаним умир бўйи ҳалол меҳнат эвазига топган-тутгани меники бўлди. Улар етти ой ичида кетма-кет қазо қилишди. Айрилиқ азобида қийналиб юрган кезларим эрим менга тегишли мол-мулкни сотиш пайига тушди. Яқинларининг ҳам гапига қулоқ солмади. Қўярда-қўймай ҳовли-жойни сотди. Машинали бўлди. Кичик савдо дўкони очди. Қулоғи тинчиди, яхши яшай бошладик. Фарзандимиз туғилди. Боло оилани мустаҳкамлайдиган ришта дейишади. Лекин биз учун ундай бўлмади. Эрим ичиб келиб, “Уртоқларимга хотиним ўғил туғадиган, деб катта гапириб мактангандим. Сен эса қиз туғиб ўтирибсан. Энди мен ким деган одам бўлдим? Ана катта кўча, болангни ол-да, йўқол!” дея бақирарди. Қайнота-қайнонам бир сўз дея олмасди. Пичоқ суякка етди, сабрим тугади. Қонуний ажрашдик. Уч ёшли кизимни олиб, бор тақинчоқларимни сотиб, заводнинг оилавий ётоқхонасидан кўнним топдим. Эшитишимча, Фуркат гиёҳ-вандлик ордиган қамалиб, камқоҳнада оламдан ўтибди. Мен қайта турмуш қурмай, кизимни воёга етказиб, ўз тен-

гига узатдим. Ҳозир неварам бор. Уйдагиларим билан маслаҳатлашиб турмушга чиқишга қарор қилдим. **Ёшим 51 да.** Маълумотим ўрта. Урта бўйлиман. Кизим оилали, ўзидан тинган. 60 ёшгача бўлган, тошкентлик, уй-жойли, иши тайин, зарарли одатлардан холи, диёнатли инсон учраса, турмушга чиқмоқчимман.

ФАРИДА, Тошкент шаҳри”.

“Жамилага совчи қўйиб уйландим. У олий маълумотли шифокор эди. Онам “Дўхтир келимдан айланай”, деб суониб, Жамилани еру кўкка ишонмасди. Афсус, у меҳрга қаҳр билан жавоб қайтарди. Онаизоримни мўлзам қилиш доимий хунарига айланди. Иккинчи ўғлимиз туғилгач, мени ҳам назар-писанд қилмай қўйди. Ҳовли-жойимизни ўз билганича бузиб, қайта қуришни бошлади. Онам бечора катта опамниқига кетиб қолди. Янги уй-жойименга беғона бўлди. Хотиним арзимас майда-чуйдалардан ҳам жанжал чикараверди. Асабларим чарчаб, қонуний ажрашдим. Икки фарзандим ҳам онасига ўхшамади, жуда меҳрибон. Тошкент вилоятидан уй сотиб олиб, кўчиб келганимга ҳам ўн йилдан ошди. Гоҳида аёлним иснофли бўлганида онам сиқилиб бедаво хасталикка чалинмас, бевақт қазо

қилмасмиди, деб ўйлаб қолам экан. Сўққабош яшаш ҳам азоб экан. Умид билан “Оила ва жамият” газетасига мурожаат қилаяман. Зора, бахтимни топсам. **Ёшим 42 да.** Асли сурхондарёликман. Маълумотим ўрта-маҳсус. Уй-жойим етарли. 35 ёшгача бўлган, қадримга етадиган, оқ кўнгли, меҳрибон аёл учраса, уйланмоқчимман.

МУРОД, Тошкент вилояти”.

“Бекажон ён қўшнимизнинг қизи эди. У 14 ёшлигида хола-синиккига кетган пайти уйлари-дан ёнгин чиқиб, ота-онаси ва укаси ҳалок бўлган. Бекажоннинг онаси Фазилат хола онамнинг яқин дугонаси эди. Ўзи эса синглим билан бир синфда ўқирди. Иккови бирга мактабга борар, уй юмушларини ҳам аввал бизникида, сўнг уларникида навбатма-навбат бажарарди. Бекажоннинг бошига аянчли кунлар тушгач, синглим усиз ов-

қатланмайдиган бўлди. Ота-онанинг илтимосига кўра ёлғиз холаси розилиги билан у бизникида яшай бошлади. Мактабни тугатгач, синглим иккаласи институтга ўқишга кирди. Мен улардан хабар олиб турардим. Бекажон ниҳоятда меҳрибон, тўғрисўз, оқўнгли қиз эди. Бизлар бир-биримизни севиб қолдик. Бундан онам, синглим ўзларида йўқ суюнишди. Тўйимиз бўлди. Бахтли яшай бошладик. Икки ўғил, икки қизли бўлдик. Ўғилларимизни уйлантириб, катта қизимизни узатмоқчи бўлиб турганимизда Бекажоннинг юраги хуруж қилиб, касалхонага ётиб қолди. Болалигидаги қайғули кунлар, сиқилишлари юрагига таъсир қилган экан.

Қанчалар авайламай, барибир узоқ умр кўрмади, бизга қўша қариш насиб этмади. Шунга ҳам ўн тўрт йил бўлди. Фарзандларим ўзларидан тинган, бари меҳрибон, атрофимда парвона. Аммо аёлнинг ўрни бўлак экан. **Ёшим 61 да.** Маълумотим олий. Нафақадаман. Ёшимга мос, хоразмлик ёки тошкентлик, меҳрибон ва оқ кўнгли аёл учраса, уйланмоқчимман.

АЗАМАТ, Хоразм вилояти”.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Саломатлик дорихонада сотилмайди!

одам аввал пул учун соғлигини аямайди, кейин соғлиқ учун бор пулини тикади

Хар бир одам жисмонан соғлом, маънан баркамол — бахти бутун бўлишга ҳақли. Аммо инсон эҳтиёжлари чексиз. Уларни тўла-тўқис қондириш учун ўзимизни ўтга-чўққа уриб яшар эканмиз, сал бетоб бўлиб ётиб қолганимиздагина соғлигимизга эътибор бермай кўйганимизни англаб етамиз. Кейин дўхтирма-дўхтир, дорихонама-дорихона югура бошлаймиз. Соғлиқ қадрини, саломат юришининг ўзи бир бахт эканини ана ўшандагина англаб етамиз.

Таниқли ёзувчи Бернард Шоу ақлнинг соғлиққа таъсири ҳақида кўп бора тўхталган. Жумладан, соғлигимни ўзим учун асрадим, оилам учун эса қурбон қилдим, деган экан адиб. Халқ табири билан айтганда эса, одам умрининг биринчи ярмида пул учун соғлигини аямайди, иккинчи ярмида эса соғлиқ учун бор пулини тикади...

Сир эмас, соғлиқ кўпчилигимиз учун бешинчи ёки ўнинчи ўринда туради. Аввало, ишимиз битиши, оиламиз тинч бўлиши, муаммоларимиз ечимини топиши... керак-да, бизнингча. Бирон жойимиз сал безовта қилса, дастлаб бир гап бўлар, деб қўл силтаймиз. Оғриқ кучая бошлашга, уч кунда қолмас, шифокорга борарман, деб аҳд қиламиз. Тўртинчи кун эса кундалик ташвишлардан орта олмаймиз... Шу тахлит умр ўтаверади. Кейин эса кеч бўлади. Халқимиз ҳазилому оҳангда айтганидек, у ёқда бош оғрмайди-да. Қисқаси, вақтида соғли-



гимизга эътибор бермай, кейинчалик яхшилик кутиш ноўринлигини англаб етишимиз даркор. Кимлардир ўйлайдики, "Соғлом бўлиш менга боғлиқ эмас. Соғлиқ касалхонада, дорихонада, шифокорлар қўлида. Шифокор мени даволаши шарт!". Аслида, аниқ тахлис 50 фоиз муваффақиятни билдирар экан, тўғри муолажа эса яна 20 фоиз хисса бўлиб қўшилиши мумкин. Қолган 30 фоиз эса одамнинг ўзига боғлиқ, яъни ўзини-ўзи психологик даволашдир.

Соғлигимизни асрашда биринчи ўринда ичимиздаги салбий кўрсатмадан қутулишимиз керак бўлади. Боиси, салбий кўрсатма касаллик чақириши, танани жисмоний толиктириши турган гап. Фридрих Август фон Хайекнинг айтишича, одам табиатан шундай яралганки,

РУҲИЯТ ТИЛСИМИ

осонгина салбий кўрсатмаларга кўникиб қолади, аммо буни ўз вақтида англаб етолмайди. Агарда биз ўша иллатларга айна пайтида барҳам бера олсак, соғлиқ борасида умуман муаммоларимиз бўлмас эди. Демак, одамнинг ўзи руҳиятини соғлаб боришни ўрганиши, бунинг учун бир қатор ижобий кўрсатмалар устида ишлаши керак.

— Йилдан-йилга соғлом бўлиб бора-япман ва доим шунга интилиб яшайман.

— Мен шахсий ҳаётимни қадрлайман, ўзимни қаттиқ ҳурмат қиламан.

— Ҳаётга қулиб боқаман, барча билан табассум улашиб саломлашаман.

— Ўзимни ёмон фикрлардан асрасам, мени ўзи ёмонликлардан асрайди.

— Касаллик руҳан заиф одамларга ёпишади, мен эса ҳар томонлама кучлиман.

— Вақтимни тўғри тақсимлаб, ишла-рини оқилона режалаштира оламан.

— Хар кун спорт билан шуғулланишга вақт ажратаман.

— Доимо курашиб яшайман, осонликча таслим бўлмайман.

— Одам хурсандчилиқ учун туғилади, фақат ўз хатолари туфайли соғлигини йўқотиши мумкин.

— Шахсий ҳаётимни ўзим бошқарман ва саломатлигим учун қайгураман.

Одам соғлом бўлса, соғлом фикрлайди. Саломатлик эса дорихонада эмас, ўз кўлимиздадир! Эрта дардлардан озор чекиб, инқиллаб-синқиллаб эмас, соғ-саломат ва шод-хуррам яшашингиз учун бугун озроқ эътиборли бўлинг, соғлигимиз учун озроқ вақт ажратинг. Энг муҳими, кунт қилинг!

Юлдуз ДОСЖАНОВА,
Тошкент ислом университети
ўқитувчиси, психолог.

СПОРТ СПОРТ

Ўсмирларнинг йирик галабаси

Футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида саралаш ўйинлари давом этмоқда.

3 октябр куни Ўзбекистон терма жамоаси Қирғизистон термасини қабул қилиб йирик ҳисобда (7:0) галаба қозонди. Шоҳжаҳон Аббосов бу ўйинда хет-трикка эришди.

Умуман олганда, ўсмирларимиз ўйинида ранг-баранглик кўзга ташланди. Терма жамоамиз навбатдаги ўйинини бугун Ҳиндистон термаси билан ўтказад.

Лебедев Тонига қарши

BoxingScenening маълумотига кўра, россиялик биринчи оғир вазндаги боксчи Денис Лебедев собиқ жаҳон чемпиони америкалик Жеймс Тони билан жанг ўтказадиган бўлди.



Манбада айтилишича, Тонининг ўз юртидан ташқарида ўтказаетган иккинчи жангидир. Ушбу жанг 5 ноябрь куни Москвадаги Ходинка саройида бўлиб ўтказилди.

«Анжи» кучаймоқда

Англиядаги Daily Mail нашри томонидан хабар қилинишича, Махачқалъанинг «Анжи» клуби ҳам «Манчестер Сити» ҳужумчиси Карлос Тевес учун бир нечта машур жамоалар ўртасида бораётган курашга қўшилди.

Эслайти ўтамиз, Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси «шахарликлар» сафида Чемпионлар лигасидаги «Бавария» клубига қарши майдонга тушишдан бош тортганидан сўнг, «Манчестер Сити» бош мураббийи Роберто Манчини томонидан кириш трансферга қўйилиши кутилмоқда.

«Анжи» клуби яқинда бош мураббийни истефого чикарган эди. Энди ушбу ўринга машур мураббийлардан Фабио Капелло, Луис Сколари ҳамда кўплаб таниқли номларни учратишимиз мумкин.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

2001 йилда Шукурова Барно Шадмановна номига расмийлаштирилган Тошкент шаҳар Ақмал Икромов (ҳозирги Учтепа) тумани, Чилонзор – 12-қават, 42-ўй 10-хонадонга тегишли рег. №30-115 рақамли уй ҳужжатлари йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БАХТ ОСТОНАСИ

ЭЪТИБОРЛИ КЕЛИН — ЭЪТИРОФЛИ КЕЛИН

Ота-она учун фарзанднинг камолини кўриб яшаш улкан бахт. Шу боис ўғли борлар хонадон чирогини доимо ёқувчи яхши бир келин тушириш орзусида бўлса, қизи борлар жигарбандини бахтисоадатли қиладиган яхши бир қувв топиш ниятида юради.

Қиз бола ўзга бир хонадонга келин бўлиб борар экан, икки оила ўртасидаги ришталарни боғловчи одам сифатида келажагининг мустақам пойдеворини кўя билиши керак, ўзи учун яхши ном олишга дастлабки дақиқалардаёқ интилиши лозим. Келинларимиз олдида энг биринчи навбатда муомала маданиятини мукамал эгаллаш синови туради. Тўғри, нотаниш хонадон аҳли билан тил топиша билиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Каттани ҳам, кичикни ҳам сизлаб гапиришга одатланиш, эрталаб хаммадан вақили туриб, ховлиларни тозалаб, нонушта тайёрлаш, қайнона-қайнотаси учун иссиқ сув тайёрлаб қўйиш, хизматларни бажаришда қаҳдон ҳаракат қилиб, ўзини кўрсата билиш керак. Энг муҳими, янги хонадон ўзининг доимий уйи эканини эсдан чиқармай, шу жойда бахтли-саодатли ҳаёт кечиршига интилиши лозим.

Оилада ташвишли кунлар ҳам бўлиши табиий. Бундай вақтда келин бўлар-бўлмас ички гапларни ўзи вояга етган хонадонга, ота-онасига бориб айтмаслиги керак. Чунки кичкинагина гап каттагина оила қасрини вайрон қилиши ҳеч гап эмас. Қолаверса, умр йўлдош ва қайнона-қайнотасини шарқона одоб-ахлоқ қоидалари асосида ҳурмат қилиши зарур. Асосийси, бошқаларга эътиборли бўлиш ўзимизнинг эътирофли бўлишимиз боиси эканини унутмайлик!

Наргиза УМАРОВА,

Қуйи Чирчиқ туман ФХДЭ бўлими мудири.

Мунаввар САИДОЛИМОВА,

Оққўрғон туман ФХДЭ бўлими мудири.

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

Қулай, тежамкор, хавфсиз

Ҳозирги глобаллашув даврида электрон рақамли имзони оммавийлаштириш, юридик шахслардан молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон имзо асосида қабул қилиш тизимини тўла шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон амалиётининг сермахсул тажрибаси ҳисобланган бундай усулдан фойдаланиш биринчи галда ахборот хавфсизлигини таъминласа, иккинчи навбатда тадбиркорлик субъектларини ортқча қоғозбозликлардан халос этади.

Юртбошимиз тақдим этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун кўпроқ эркинликлар бериш мақсадида молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш тизимини шакллантириш лозимлиги таъкидланган.

Аслида, бундай саяб-ҳаракатлар аввалроқ бошланган эди. 2003 йил қабул қилинган «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш натижасида республикада электрон рақамли имзо (ЭРИ)ни қўллаш миллий инфрату-

зилмаси шаклланди ҳамда тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозирда ЭРИ калитларини рўйхатга олиш бўйича саккизта марказ рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда 150 мингдан зиёд субъектлар электрон рақамли имзодан фойдаланишади. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили солиқ идораларига 30 минг субъект солиқ ҳисоботларини ЭРИ асосида топширган бўлса, 2011 йилнинг январь ойида уларнинг сони 80 мингдан ошган.

Бугунги кунда биргина давлат солиқ хизмати тизимида 13 та маълумотлар тизими шаклланди бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 549,6 гигабайтга, соддароқ айтганда, чоп этилган 22 миллион вараққа тенг.

Электрон рақамли имзо калити Давлат солиқ қўмитасининг янги технологиялар илмий-ахборот марказининг электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказида берилди. Жойларда солиқ тўловчиларга электрон рақамли имзонинг очик ва ёпиқ калитларини худудий давлат солиқ инспекцияларида ваколатли ходим томонидан бериш имконияти яратилган.

Мирвосит ҲОШИМОВ,

Тошкент шаҳар Миробод тумани ДСИ бўлим бошлиғи.

Муассеслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772 010 760 007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1028. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 7615. Баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтунга МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5